

22-МАЪРУЗА: ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ РЕЖА

- 1. Чорвачилик тармоқлари маҳсулотларининг аҳамияти**
- 2. Чорвачилик тармоқларида етиштирилаётган маҳсулотлар даражаси ва самарадорлиги**
- 3. Чорвачилик тармоқларини, уларда маҳсулот етиштиришни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари**

Таянч иборалар:

Чорвачилик, чорвачилик маҳсулотларининг 1 центнерини етиштириш учун сарфланган озуқа бирлиги. чорва ҳайвонларининг суткалик ўртача ўсиш вази. чорвачилик тармоқларидаги меҳнат унумдорлиги чорвачилик маҳсулотларининг (турлари бўйича) етиштириш таннархлари; чорвачилик тармоқларининг, маҳсулотларининг (турлари бўйича) рентабеллик (фойдалилик) даражаси.

хукукий, ташкилий, техникавий, технологик ҳамда иқтисодий тадбирлар тизимини мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш зарур.

1. Чорвачилик тармоқлари маҳсулотларининг аҳамияти

Чорвачилик – мамлакат қишлоқ хўжалигининг муҳим таркибий қисмидир. Чорвачилик тармоқларининг мақсадга мувофиқ, самарали жойлаштирилиши, ривожлантирилиши республикада меҳнат тақсимоти ижобий ҳал этилишига бевосита таъсир этади. Худудларнинг табиий, иқтисодий шароитларини ҳамда бозор талабларини эътиборга олган ҳолда чорвачиликнинг қорамолчилик, кўйчилик, баллиқчилик, асаларичилик, андатрачилик тармоқлари жойлаштирилиши ва ривожлантирилиши зарур. Чунки бу тармоқларда озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати корхоналари учун гўшт, сут, жун, тери, асал ва бошқа маҳсулотлар етиштирилади. Натижада саноат тармоқларининг ривожлантирилиши ҳам таъминланади, чорвачилик тармоқларида инсон саломатлиги учун зарур, оксил моддаларга бой бўлган турли хилдаги маҳсулотлар ҳам етиштирилади. 2000-2001 йилларда республикада аҳоли жон бошига ўртача 34 кг. гўшт (тирик вазнда), 148 кг. сут етиштирилган. Бу инсон организми учун зарур миқдор ёки тиббиёт нормативларидагига нисбатан анча кам. Шунинг учун республика ҳукумати мамлакатнинг барча соҳаларида чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган йирик дастурлар ишлаб чиқиб, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Бундан ташқари чорвачиликда ўсимликчилик ва чорвачиликнинг айрим соҳалари ривожланишини таъминлайдиган маҳсулотлар ҳам етиштирилмоқда. Масалан, чорва чиқиндиси – гўнг тупроқ унумдорлигини оширади, ўсимликлар учун органик ўғит ҳисобланади. Чорвачилик маҳсулоти сут эса аҳоли томонидан истеъмол қилинишидан ташқари янги туғилган ёш ҳайвонларга ҳам берилади.

Чорвачилик тармоқларида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 11 фоизга яқини етиштирилмоқда. Унинг 90 фоизга яқинини аҳоли хўжаликлари

етказиб бермоқда. Демак, қолган қисми жамоа мулкчилигига асосланган хўжаликлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Чорвачилик тармоқларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми республика аҳолиси талабларини қондириш мақсадида ички бозорларда, чекланган миқдори эса ташқи бозорларда сотилмоқда. Уларни экспорт қилиш натижасида 2000-2001 йилларда 0,2 млн. АҚШ доллари миқдорида валюта тушган. Бу талабга тўлиқ жавоб бермайди.

Келажакда бу муаммони ҳал этишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун объектив имкониятлар мавжуд. Республика чорвачилигида экологик жиҳатдан барча талабларга жавоб берадиган гўшт, сут маҳсулотларини, тери, айниқса, қоракўл терисини, жун етиштиришни ривожлантириб, уларни ташқи бозорда сотиш мумкин. Бунда аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш даражаси ҳам юксалтирилади. Натижада тармоқнинг мамлакат халқ хўжалигидаги ўрни, аҳамияти ортади.

2. Чорвачилик тармоқларида етиштириладиган маҳсулотлар даражаси ва самарадорлиги

Чорвачилик тармоқларининг ривожланишини, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлик даражасини қуйидаги кўрсаткичлар ифодалайди:

- **чорва ҳайвонлари бош сонининг ўзгариш даражаси.** Уни аниқлаш учун ҳақиқий муддатга бўлган маълумот бўйича кўрсаткични қиёсланаётган вақтдаги маълумот бўйича кўрсаткичга тақсимлаш лозим. Бу усулдан фойдаланган ҳолда етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотлари миқдорини, тармоқ маҳсулдорлигининг йиллар бўйича ўзгаришини аниқлаш, бу борадаги кўрсаткичлар коэффицентда ёки фоизда аниқланиши мумкин;

- **чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлиги.** Бу кўрсаткич етиштирилган маҳсулот миқдорининг (турлари бўйича) шу маҳсулотни берган ҳайвонлар бош сонига нисбати билан аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$ЧХМҚ \frac{Мм(Гушт,сут)}{Бс} ;$$

Бунда: ЧХМ—чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлиги (кг);

Мм—етиштирилган гўшт, сут, жун, тухум миқдори (центнер, минг дона);

Бс- чорва ҳайвонларининг бош сони.

- **чорва ҳайвонларининг суткалик ўртача ўсиш вазни.** У чорва ҳайвонларининг маълум муддатдаги ўсган вазнини шу ўсишни таъминлаган муддатга нисбати билан аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Суқ \frac{Ху}{М} ; \text{ Бунда: Су—чорва ҳайвонларининг суткалик ўсиши (граммда);}$$

Ху—ҳайвонларнинг маълум муддатдаги ўсган миқдори (кг);

М—маҳсулот ўсишини таъминлаган муддат (сутка);

- **чорвачилик маҳсулотларининг 1 центнерини етиштириш учун сарфланган озуқа бирлиги.** Уни аниқлаш учун сарфланган озуқа бирлиги миқдорини шу озуқа эвазига етиштирилган маҳсулот миқдорига (турлари бўйича) тақсимлаш лозим ёки унинг аксидан ҳам фойдаланиш мумкин;

- **чорва ҳайвонларининг суткалик ўртача ўсиш вазни. чорвачилик тармоқларидаги меҳнат унумдорлиги (кггкк; ккгкк; сумгкк...).** У маҳсулот етиштириш учун сарфланган вақт миқдорининг шу вақтда етиштирилган маҳсулотга нисбати билан ёки аксинча аниқланади;

- **чорвачилик тармоқларининг, маҳсулотларининг (турлари бўйича) рентабеллик (фойдалилик) даражаси.**

Қорамолчилик эса, ўз навбатида, хўжаликларнинг бошқа соҳаларини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Демак, хўжалик тармоқлари ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантирилиши мақсадга мувофиқдир. Лекин, ҳозирги даврда бу ҳолат илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш талабларига тўлиқ риоя этилмаётганлиги сабабли бузилмоқда. Чунончи, экин майдонлари таркибида ем-хашак экинларининг салмоғи меъёрга нисбатан анчага қисқарган. Масалан, 2000-2001 йилларда экин майдонларида ем-хашак экинлари салмоғи атиги 5,3 фоизни ташкил этган. Шундан 3,7 фоизи кўп йиллик экинлар ҳиссасига тўғри келади. Оқибатда биринчидан, қорамолчилик учун тўйимли ҳисобланган ем-хашак етарли даражада етиштирилмаётир. Иккинчидан эса, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, тупроқ унумдорлиги пасаймоқда. Алмашлаб экиш шу тарзда давом эттирилса, унда талайгина майдонлар унумдорлиги пасайиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиши мумкин.

1996-2000 йилларда қорамоллар каби қўй ва эчкилар 3,3 фоизга камайиб, 2,9 млн. бошни ташкил этган. Уларнинг асосий қисми қорақўл қўйларидир.

Қўй ва эчкилар асосан республиканинг яйлов ва чўл ҳудудларида жойлашган хўжаликларда парвариш қилинади. Бинобарин, мамлакат миқёсидаги 2912 минг бош қўй ва эчкининг 88,3 фоизи Навоий, Қашқадарё, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларида. Эслатиб ўтиш керакки, қўй ва эчкиларнинг 27 фоизга яқини суғориладиган деҳқончиликка асосланган ҳудудлардаги хўжаликлар ихтиёрида. Аммо, уларда қўйчиликни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд эмас. Энг муҳими, яйловлар, пичанзорлар етишмайди. Республика қишлоқ хўжалик корхоналарининг аксарият қисмида чорвачиликнинг ем-хашак базаси талаб даражасида эмаслиги, улар етарли даражада ихтисослашмаганлиги нафақат чорва ҳайвонлари бош сонлари камайишига, балки уларнинг маҳсулдорлигига, оқибат-натижада эса тармоқда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажми қисқаришига ҳам таъсир этмоқда. Масалан, республика қишлоқ хўжалик корхоналарида бир бош сигирдан ўртача соғиб олинган йиллик сут миқдори 1996-2000 йилларда 1117 кг. дан 967 кг. га тушиб қолди. Шу йилларда бир бош сигирнинг маҳсулдорлиги 13,4 фоизга камайди. Айрим вилоятларда эса, сигирларнинг

маҳсулдорлиги жуда паст бўлди. Жумладан, Жиззах вилояти хўжаликларида бу кўрсаткич 612 кг. дан 435 кг. га тушган, Сурхондарё вилоятлари хўжаликларида эса 750 кг. дан 619 кг. га пасайди. Бундай ҳолат Бухоро, Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари хўжаликларида ҳам юз берди. Ҳозирги даврда мамлакат қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳар бош сигирдан бир суткада ўртача 3-3,5 кг. сут соғиб олинмоқда. Бу жуда кам. Тошкент ва Наманган вилоятлари хўжаликларида бу кўрсаткич 28-78,9 фоиз юқори бўлиб, ўртача 4,1-5,6 кг. ни ташкил этмоқда. Юқоридаги ҳолатлар таъсирида тармоқда сут етиштириш 355,7 минг тоннадан (1996 й.) 233 минг тоннага (2000й) тушиб қолган. Демак, беш йилда етиштирилаётган сут ҳажми 34,5 фоизга камайган. Гўшт етиштириш эса шу йилларда 33,4 фоизга қисқариб, 74,3 минг тоннани ташкил этган (2000 й.).

Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарида чорвачиликнинг бу ҳолати унинг иқтисодий самарадорлигига ҳам таъсир этган. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилаётган аксарият чорвачилик маҳсулотларининг таннархлари йил сайин ошиб бормоқда. Жумладан, сутнинг 1 центнери таннархи 1997 йилда 2047 сўм бўлган бўлса, 1998 йилда қарийб 40 фоизга, 1999 йилда эса 85,3 фоизга ортиб, 3794 сўмни ташкил этган. Етиштирилаётган тирик вазндаги 1 центнери гўштнинг таннархи шу йилларда 7186 сўмдан 15441 сўмга етган ёки 114,9 фоизга ортган, 1 центнер жуннинг таннархи эса 51,5 фоизга ортиб, 5252 сўмни ташкил этган

Чорвачилик маҳсулотлари таннархининг ошишига юқорида кўрсатилганлардан бошқа омиллар ҳам таъсир этган. Масалан, қорамолчилик фермаларининг, қўйчилик отарларининг моддий-техника базаси талабга нисбатан заифлиги. Бу ҳол қўл меҳнати сарфи кўпайишига олиб келади. Қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариладиган озуқа, маҳсулотлар баҳоларининг тез суръатлар билан ошиб бориши ва бошқалар.

Хўжаликлар аксарият чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдан зарар кўрмоқдалар. Жумладан улар 1997 йилда 1 центнер сут етиштириб, сотиш натижасида 628 сўм зарар кўрган бўлса, 1998 йилда 981 сўм, 1999 йилда эса 1103 сўм зарар кўрган. Ҳар центнер сут етиштиришдан кўриладиган зарар миқдори йил сайин ортиб борган. Бундай ҳол сутнинг сотиш баҳолари ўсиши натижасида таннархи юқори суръатларда ошиши сабабли юзага келган.

Хўжаликлар гўшт ва жун етиштиришдан ҳам зарар кўрмоқдалар. Лекин куриладиган зарарлар миқдори йил сайин камайиб бормоқда. Чунки 1 центнер гўштнинг (тирик вазнда) сотиш баҳоси шу йилларда 140 фоизга, таннархи эса 114,9 фоизга ошган. Демак, гўштнинг сотиш баҳоси унинг таннархига нисбатан юқори даражада ўсган. Бу фикр жуннинг сотиш баҳоси ва таннархига ҳам тегишли.

Хўжаликларда етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларини сотиш бозори ҳали унчалик ривожланмаган. Чунки хўжаликлар етиштирадиган маҳсулотларини туманларда ягона ҳисобланган гўшт комбинатларига, сут заводларига улар белгилаган баҳоларда сотмоқдалар.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилаётган аксарият чорвачилик маҳсулотларининг самараси йўқ. Улар сут етиштиришдан 29 фоиз, гўшт етиштиришдан 0,4 фоиз, жун етиштиришдан эса 12,5 фоиз зарар кўрмоқдалар.

Фермер, деҳқон хўжаликларида эса бунинг акси: чорвачилик юқорида суръатларда ривожланмоқда. Уларда чорва ҳайвонларининг бош сони 1999-2000 йилларда 13,5 фоизга кўпайган. Ҳар бош сигирдан 370 кг. дан сут соғиб олинган. Фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш асосан шахсий мулкка асосланганлиги учун улар харажатларни имконият даражасида тежашга, сифатли маҳсулот етиштириб, юқори баҳоларда сотишга интиломоқдалар. Шунинг учун ҳам бу хўжаликларда чорвачилик тармоқларининг рентабеллик даражаси тобора ошмоқда.

3. Чорвачилик тармоқларини, уларда маҳсулот етиштиришни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари

Жамиятнинг экологик жиҳатдан тоза маҳсулотларга бўлган талаби ўсиб бормоқда. Аммо бу борадаги талаб ҳозирги даврда тўлиқ қондирилгани йўқ. Муаммони ҳал этиш учун бир қанча ташкилий, иқтисодий, ижтимоий тадбирларни амалга ошириш, жумладан, чорвачиликда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш керак. Бу жараёни бир неча йуналишлар бўйича амалга ошириш мумкин. Масалан, республика ҳудудларининг, хўжаликларнинг йуналишларини эътиборга олган ҳолда чорвачилик тармоқларини мақсадга мувофиқ жойлаштириб, уларни ихтисослаштириш жараёнларини ривожлантиришга эътибор бериш лозим. Чорва ҳайвонларини ижара пудратчиларига, чорвачилик фермаларини эса ижарага бериш, ижарачиларга талабини қондирадиган ҳажмдаги экин майдонларини ҳам узок муддатга ижарага ажратиш зарур. Бу жараёнда самарадорликка эришиш учун ижарачилар молиявий маблағлар билан етарли миқдорда таъминланишига ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Бу тадбир очик танлов асосида шу соҳа бўйича тажрибали, билимдон, қонун устуворлигини тан оладиган, инсофли, маънавияти юқори бўлган фуқаролар зиммасига юкланиши мақсадга мувофиқдир.

Ширкат хўжаликлари маҳсулот етиштириш мақсадида чорва ҳайвонларини аъзоларига ижара пудрати асосида беришини ҳам ривожлантириш мумкин. Бунда пудратчилар чорва ҳайвонлари бош сонини кўпайтириш, зотларини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириб, тобора кўпроқ маҳсулот етиштириш учун қилган хизматлари ва етиштирган маҳсулотлари миқдорига кўра, рағбатлантирилишлари лозим.

Хўжаликларда бу масалаларни ҳал этишда ерлар унумдорлигини оширини таъминлайдиган тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратишлиши зарур. Бу борада ижара муносабатларини эркин бозор талабларига мослаштириш керак.

Чорвачилик фермаларининг замонавий талабларга жавоб берадиган моддий-техника базасини босқичма-босқич ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш вақти келди. Чорвачилик бино-иншоотлари фан-техника ютуқларини эътиборга олган ҳолда мослаштирилишига, тегишли воситалар

билан таъминланишга, чорва ҳайвонлари яхши парваришланиб, сифатли маҳсулот етиштиришда янги техникалар, илғор технологиялар жорий этилишига эришиш лозим. Шудагина тармоқда ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилиб, меҳнат унумдорлигининг ошиши таъминланади. Наслчилик ишларини ривожлантириб, сермахсул чорва зотларини яратиб, улар ишлаб чиқаришга тезроқ татбиқ этилишини таъминлаш, бунда зотли, сермахсул чорва ҳайвонларини сотиб олиш вариантдан фойдаланишни ҳам эздан чиқармаслик кутилган натижага эришиш имкониятини кенгайтиради.

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун ем-хашак етиштириладиган майдонларни кенгайтириб, экинларни алмашлаб экишни ривожлантириш лозим. Бунда ем-хашак экинлари экиладиган майдонларнинг сув таъминотига, мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳамда органик ва минерал ўғитлардан талаб даражасида фойдаланишга алоҳида аҳамият бериш зарур. Бу масалани ҳал этиш учун қайта ишлаш саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган тўйимли озуқа моддалари талаб даражасида олинишини, чорва молларига шаклланган озуқа рацион асосида вақтида берилишини ҳам ташкил этиш зарур. Бу масаланинг долзарблигини эътиборга олиб, республика ҳукумати хўжаликларга иқтисодий жиҳатдан кўмаклашиш йўлларини, механизмларини ишлаб чиққан. Жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, шу мақсадда четдан моддий-техника ресурслари келтирилса, улар божхона тўловларидан озод этилиши ва бошқа чора-тадбирлар белгиланган.

Бу жараёнда чет эл инвестициялари жалб этилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки ҳозирги даврда бу масала жуда суст ечилмоқда.

Юқоридагилар билан бирга чорвачилик маҳсулотларининг шартномавий баҳолари инфляция даражасини эътиборга олган ҳолда оширилишига ҳам давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу маҳсулотларни асосан давлат акциядорлик корхоналари сотиб олмақдалар.

Таъкидланган барча масалаларнинг ижобий ҳал этилиши тармоқларда фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчиларнинг муносабатларига, билимига, тажрибасига, эътиқодига, онгига ҳамда рағбатлантирилишига бевосита боғлиқ. Шундай экан, бу масалаларни ҳал этиш механизмларини, йўлларини янада ривожлантириш зарур. Ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини вақтида бериш ҳамда уларни етиштирган маҳсулотлари миқдори ва сифатини эътиборга олган ҳолда мукофотлашнинг реал усулини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Чорвачилик тармоқлари ҳисобланган паррандачилик, пиллачилик, йилқичилик, асаларичилик, балиқчилик иқтисодиёти ҳақида ҳам шу мазмундаги фикрларни айтиш мумкин. Лекин бу тармоқларнинг иқтисодиётини ўрганишда уларнинг ўзига хос хусусиятларини, жумладан, паррандачиликни саноат негизида ҳамда ғаллачилик хўжаликларида ташкил этиб, ривожлантириш ва бошқаларни эътиборга олиш лозим.

Юқорида кўрсатилган масалаларнинг ҳал этилиши натижасида чорвачилик тармоқлари ривожланиб, самарадорлиги юксалиши таъминланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Чорвачилик тармоғи мамлакат халқ хўжалигида қандай ўрин тутади? Унинг аҳамиятли эканлиги нималарда намоён бўлади?
2. Чорвачилик тармоқлари ривожланишини, уларнинг самарадорлигини қандай кўрсаткичлар ифодалайди? Бу кўрсаткичлар қандай аниқланади?
3. Чорвачилик тармоқларининг ривожланишини аниқ мисоллар ёрдамида исботланг.
4. Чорвачиликнинг самарадорлик даражасини рақамлар ёрдамида тушунтириб беринг.
5. Чорвачилик тармоқларида ислохотларни қандай қилиб янада чуқурлаштириш мумкин?
6. Чорвачиликни ривожлантириш, унинг самарадорлигини юксалтириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим?